



# ТОШКЕНТ КАЖИКАТЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 58 (9554).

1989 йил 24 март • жума •

Баҳоси 3 тийин.

**РЕДАКЦИЯГА  
КЕЛГАН  
ХАТЛАРДАН**

**ҚАЙТА  
ҚУРИШ:  
СЎЗДА ВА  
АМАЛДА**

## МЕНИНГ ЁШИМ НЕЧАДА?

БУСТОНЛИҚ районидagi 34-ўрта мактабда қарийб 40 йилдан бери бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман. Кейинги пайтларда соғлиқнинг мазаси кетяпти. Қарлик пенсиясига чиқсини уйласам, ҳужжатларни тўғрилаш муаммосида юрагим қисилди.

Ҳап шундаки, мен аслида 1930 йилда туғилганман, аммо буни тасдиқлайдиган ҳужжатларимни эллигичи йилларда йўқотиб қўйганман. Кейин янги ҳужжатлар олганимда қарасам, 1934 йилда туғилган, деб ёзилди. Уша пайтда бунга аҳамият бермаган эканман, мана энди жазосини тортаман.

1930 йилда туғилганим ҳақидаги ҳужжатларни 3—4 йилдан бери қидираман, ле-

кин натижа бўлмапти. Қайси идорага бормай, у пайтлардаги архив ҳужжатлари йўқ деган бир хил жавоб оламан. Сабоби — уша кезларда районимиз Чинкент областига қарарди, кейин Коммунистик ва Оржоникидзе районларига ўтди. Бизнинг Қораманас (илгариги Феласоё) кишлоқ Советининг архив ҳужжатларини область архив идораларидан топа олмадим.

Бўстонлиқ район Совети ижроия комитетининг секретари К. Омарқулов ҳам, район суди раиси ўртоқ Обидов ҳам мурожаатимга рад жавоб беришди. Бошим берк кўчага кириб қолдим. Менинг ёшим нечада эканлигини энди ким аниқлаб беради, ҳайронман.

Д. ТОГУЗБОВ.

Газетхон таклиф киритади

## ШУНДАЙ ҚЎЛЛАНМА КЕРАК

## АЙНИ МУДДАО БЎЛҮР ЭДИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ҳурматли редакция ходимлари. Мени кейинги вақтда бир муаммо кўп ўйлантиряпти. Кимга мурожаат этишни билмай фикримни сизларга баён этиб юбораяман. Ўйлайманки, у газетангизнинг бошқа ўқувчиларини ҳам қизиқтиради.

Маълумки, республикамиз пойтахти Тошкент борган сайин кенгайиб борапти. Унинг таркибига ҳар йили янги микрорайонлар қўшилипти. Уларга олиб борувчи кенг, раво асфальт йўлларда янги автобуслар маршрутлари қўйилмоқда. Кейинги йилларда метро қурилиши ҳам кенгайиб бормоқда. Шу тўғрйли кўчалар ва микрорайонларнинг номиларини тез-тез ўзгармоқда. Шаҳарнинг ҳатто марказий кўчаларидаги транспортлар маршрутлари ҳам вақти-вақти билан ўзгарилиб турибди. Базан иш билан кўчага чиқиб, қайси транспорт қанерга боришини, қайси кўчадан ўтишини билмай қолсан киши. Бу ҳақда бирондан сўрасанг ҳатто пойтахтликларнинг ўзларидан ҳам дурустроқ жавоб ололмайсиз.

сан. Шаҳримиз меҳмонларни тўғрисида-ку, гапирмасам ҳам бўлади.

Шу тўғрйли менинг бир таклифим бор — шаҳримизнинг барча транспорт воситаларини кўрсатувчи қўлланма чиқарилса. Унда ҳар бир маршрут транспортнинг бошланги, оралиқ ва охириги бекатлари кўрсатилган бўлса.

Менимча, шундай қўлланма ишлаб чиқариш илғимий жиҳатдан ҳам ўзини оқлайди. Уни бошқа чикарган ҳеч қайси наشريёт зарар кўрмайди. Ахир бундай қўлланма фақат пойтахтликларга эмас, хизмат юзасидан командировкага келувчилар, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, маданий ҳордиқ чиқариш учун келган туристлар учун керак.

Транспорт хизматини маданий ташкил этиш дари алақадон келган. Кўчиликни қизиқтирувчи бу савола шаҳар ижроия комитетидagi мутасадди ўртоқлар жавоб беришар.

Р. ПУЛАТОВА,  
Тошкент шаҳри.

Маълумки баҳор келиши билан ҳар бир киши бир тун кўчат экишга оинида. Лекин шу экидан қўчатнинг ўзи йўқда. Чорсу бозорига эса жуда қиммат. Шаҳар марказидagi кўчат сотадиган магазинлардан олсангиз, уни трамвай ёки автобусда олиб келиш — жуда қийин. Агар тақсиди келсангиз ушовидан тўшови қимматга тушади. Шунинг учун аҳоли эиқ жойлашган жойларда мавсумий кўчат билан савдо қиладиган магазинлар очилса (Янги йил арчаси савдосига ўхшаб) яхши бўларди.

Масалан, Бешайрағоч, Октябрь, Бирлик массивлари на яна бошқа жойларда. Ени худди химичка хизмати каби машинада «Кўчат келди, олинглар» деб маҳаллаларга кириб борилса ҳамма жонди билан олади. Чунки ҳам яқин, ҳам арзон. Ана шунда ҳар бир кишининг ўз уйида ёки эшиги тағида бир тун оқ ўриги, гилоси, олчаси ва бошқа дарахлари бўлади.

У. КАРИМОВ,  
Калинин районидagi 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

## ВОДОПРОВОД БОР, СУВ ЙЎҚ

ОҚҚЎРҒОН районидagi бошқа ҳўжалар қатори «Партия XXII съезди» колхозини қишлоқларда ҳам аҳолининг турмуши учун кундали зарур шарт-шаройин яхши эмас. Айниқса, биз яшаётган 7- ва 8-бригадалар территориясида аҳоли чатоқ.

Майли, йўлларимизнинг харобилигини ёзмай кўя қолайлик. Аммо ичимлик сув масаласида жуда қийналоқ нетдик. Аҳоли 30 йилдан бери сувни елкасида та-

шиб ичади. Ҳолбуки, қишлоғимиз ўртадан водопровод тармоғи ўтган, лекин тўрт йилдан бери тун гўшти егандек ишга туширилмайди. Колхоз раҳбарлари, шаҳсан правление раиси Р. Усмоновга айтивериб чарчадим. Ошқора танқид зора таъсир қилса, деган умид билан редакцияга хат ёздик.

Д. ГАНИЕВ  
ва яна 7 киши имзо чеккан.

ичимлик суви тежаб-теграб сарфланмапти. Сув ресурсларини пестицидлар, даладлардан ювиб чиқариладиган минерал ўғитлар, саноат корхоналари, чорвачилик фермаларининг тозаланмаган оқинди сувлари билан ифлослантириш давом этмоқда. Тоғлардаги ўрмонлар, Амурдарё ва Сирдарё ҳавзаларида намлини табиий равида тартибга солиб турадиган тўғайлар кесиб ташланмоқда.

Табиати муҳофиза қилиш жамияти бундай салбий ҳодисаларга қарши қатъиян мурожаат қилиш зарур. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари, наприётлар, кино, аҳоли экология таълимининг бутун системаларида тўла фойдаланиш одамларда табиатга муҳаббатни тарбиялаш лозим. Партия ва ҳукуматнинг юрорда айтилган қарориди кўзда тутилган тадбирларни бажариш устидан жамоатчиликнинг жуда кенг ва қатъий назоратини ўрнатил лозим.

Республика кенгашининг пленуми жамият устанига мувофиқ Ўзбекистон табиати муҳофиза қилиш жамиятининг VII съездини шу йил июнь ойида чақаришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

## ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Тошкентда Ўзбекистон табиати муҳофиза қилиш жамияти республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Пленумда Ўзбекистон табиати муҳофиза қилиш жамиятининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг экология ва санитария мухитини тубан яхшилаш, унинг «Орол денгиз» райони хавасидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш сармалорини ошириш ва уни муҳофиза этишни қўлайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида партия ва ҳукуматимизнинг ўтган йил сентябрь ойида қабул қилинган нобв ҳужжат таърихда ҳали ҳеч қим ҳал этилганга тўғри келмаган ҳақиқий умимийсолиқ вазифаларини бажарилишиг қолганларни программаси ақаллиги таъкидланди. Орол денгизини сақлаш мумкин ва сақлаб қолиш керак. Оролбўйини эса экологик офат ҳолати-

дан олиб чиқиш зарур! Қарорда белгилаган комплекс тадбирлар ана шу мақсадларга қаратилган. Ана шу тадбирларни рўбегга чиқаришда фаол иштирок этиш табиати муҳофиза қилиш республика жамияти ҳар бир аъзосининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси ҳисобланади, деб таъкидланди нутқларда.

Бинокларин, деб қайд этилди пленум қатнашчилари, жамият ташкилотлари партия ва ҳукумат белгилаб берган тадбирларни амалга оширишда самарали кўмаклашиш учун мавжуд имкониятлардан хали ҳам тўла фойдаланайтганлар. Йўқ. Орол денгизига дарё суви шу қадар етишмай турган бир пайтда республикамизда ярим миллион гектарга яқин суғориладиган майдон намлиги ҳаддан зиёд ошиб кетганлиги натижасида унинг мелiorатив ҳолатини тезлик билан яхшилаш талаб этилмоқда. сувни тежайдиган технологиялар ниҳоятда суст жорий этилмоқда.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланган пленумига тайёргарликнинг рефератлари 21 март кунин КПСС Марказий Комитетиди СССР Олий Совети Президиуми, иттифоқдош республикалар ва бир қанча автоном республикалар Олий Советлари Президиумлари, баъзи областлар ва автоном округлар маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, Марказий ҳуқуқини муҳофиза қилиш министрликлари ва идоралари, юридик илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртли ҳодимларининг кенгаши бўлди. Кенгашида бир қанча иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, область ва округ партия комитетларининг ходимлари қатнашдилар.

Миллатлараро муносабатларни тартибга солиш ҳисобиди қонунийларни тақомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Совет социалистик федерациясини мустақамлаш ва ривожлантиришнинг турли ҳуқуқий жиҳатларига тааллуқли юзлаб долардаги муаммолар юзасидан батафсил фикрлашиб олинди. Кўчлик марказ ва кўчлик республикаларини барпо этиш манфаатларидан келиб чиқиб, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ваколатларини белгилаб қўйиш, иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини анча кенгайтириш, автоном республикалар, областлар ва округларнинг ҳуқуқий статусини мустақамлаш тўғрисидаги конкрет таклифлар кўриб чиқилди.

Кенгаш қатнашчилари СССР халқлари тиллари, шунингдек миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилининг эркин ривожланиши ва улардан тенг ҳуқуқда фойдаланиши таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Гражданлик тўғрисидаги

қонунийларни тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Бунда СССРнинг барча граждандари СССР территориясининг қаерида яшашларидан қатъий назар уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари бирликти қатъий риоя этилиши ва бу ҳуқуқ ҳамда бурчлар гарантйяларини лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳа миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки СССР территориясида ана шундай тузилмасига эга бўлмаган СССР граждандари эркин миллий ривожланишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш муаммолари муфассал муҳокама қилинди.

Фикрлашув чоғида СССР граждандарининг миллий ёки ирқий мансублигидан қатъий назар уларнинг ҳуқуқлари ва шахсий эркинликларини муҳофиза қилишни қўлайтиришга, миллатлараро ниқоғини авж олдиранглик учун жавобгарликни оширишга қаратилган қонунийларни тақомиллаштириш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

Кенгаш қатнашчилари СССР Олий Совети миллатлар Советининг янги вазифаларини амалга ошириш ҳисобиди, шунингдек халқ депутатлари Советларида миллатлараро муносабатлар масалалари доимий комиссиялари тузилганлиги муносабати билан бир қанча муҳим таклифларни айтдилар.

Партиянинг миллатлараро муносабатларни тақомиллаштириш соҳасидаги сисбатини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш юзасидан кўрилайган чора-тадбирлар мамлакатимиз халқларини иттифоқдош миллатлар билан дўстликни янада мустақамлаштириш асосий мақсад қилиб қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети давлат ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павлов билан СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. Н. Менташвили қатнашдилар.

(ТАСС).

## СОВЕТ ЖАМИЯТИНИ ЯНГИЛАШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

СССР МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНING XII СЪЕЗДИ

СССР Матлубот кооперациясининг Кремлда бўлаётган XII съезидида хилма-хил муаммолар муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг аграр масалаларга бағишланган 1989 йил март пленуми новаторлик қарорларига суянган ана шу баҳс-мунозаралар энг асосий нарса — совет ишиси, аввало кишлоқ ахлининг озиқ-овқат, товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга, ишончли социал гарантйялар яратишга қаратилди. Делегатлар натижаларни қайта қуриш тақдирини учун юксак масъулятини ҳис этган ҳолда таҳлил қилдилар, ана шу кўп тармоқли система фаолиятининг истиқболларини белгиладилар. Шу аянқаманда қатнашган кўчликлик делегатларнинг фикрича, бу съезд маъмур системани ривожлантириш учун бурилиш нуқтаи бўлиши керак.

22 март кунин Катта Кремль саройида съездининг якуновчи мажлиси бўлди. Мунозаралар давом эттирилди. Правление ва ревизия комиссияси докладлари юзасидан, шунингдек матлубот ташкилотларининг намуналий усталари ҳамда Центросоюз устави лойиҳалари юзасидан мунозаралар якунланди.

П. С. Федирко якуновчи нутқ сўзлади. Центросоюз правленийиси ва ревизия комиссияси иши тўғрисидаги ҳисоботлар юзасидан съезд қарорлари қабул қилинди.

Шундан кейин Центросоюз правленийиси раисининг ўринбосари Н. А. Лупей съезда тақдим этилган усталарнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш юзасидан тузилган комиссия номидан доклад қилди.

Съезд комиссия таклифларини ва музокараларда билдирилган фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда кооператив ташкилотлари ва Центросоюзнинг янги усталарини қабул қилди.

21 март кунин съездеда бў-

либ ўтган матлубот кооперациясидан СССР Халқ депутатлари сайлов натижалари тўғрисида сайлов комиссияси номидан сўз А. Д. Коробинида берилди. У барча қирқ номзод СССР халқ депутатлари этиб сайланганини маълум қилди.

Съезд «СССР матлубот кооперациясини сайланган халқ депутатларига ямазалар тўғрисида» қарор қабул қилди. Делегатлар съезд номига юборилган хатлар тўғрисида қарор қабул қилдилар. Центросоюз правленийисига ушбу хатларни кўриб чиқиш иш уларда баён этилган илтимослар, таклифлар ҳамда мулоҳазаларини амалга ошириш учун зарур чоралар кўриш тоширилди.

Совет, правление ва ревизия комиссияси сайланди. П. С. Федирко Центросоюз правленийисининг раиси. А. И. Сериков ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Шу билан съезд ўз ишнини тамомлади. (ТАСС).

## ОБРАЗЕЦ НАМУНА СССР халқ депутатини сайлаш бўйича Сайлов бюллетени Избирательный бюллетень

по выборам народного депутата СССР  
1989 йил 26 март  
26 марта 1989 г.  
Самарқанд области

180-Қорадарё территориал сайлов округи

Қарадарьинский территориальный избирательный округ № 180 Самаркандской области

Сиз қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг фамилияларини ўқининг. Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете.

Депутатликка номзодлар: Кандидаты в депутаты:

СОБИРОВ Қўрғат Ургант район «Правда» совхозини бригада бошлиғи, Ўрамас қишлоғида яшайди. Бригадир совхоза «Правда» Ургантского района, проживает в кишлаке Урамас.

ТОЛИПОВ Ҳайдар Самарқанд район «Октябрь» колхозини бригада бошлиғи, Қўрғонча қишлоғида яшайди. Бригадир колхоза «Октябрь» Самаркандского района, проживает в кишлаке Курганча.

Овоз бериш чоғида биттадан ортқ номзод қондирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси тил муаммоларини ўрганиш ва халқ байрамлари ҳамда маросимларини тиклаш муаммолари юзасидан ишчи гуруҳларини соғавини тасдиқлади.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНING ТИЛ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ИШЧИ ГРУППАСИ**

Қошов Азиз Пулатович — кўлбемалар институтининг директори, филология фанлари доктори, профессор.  
Кенжабоев Мирза — шоир.  
Қўрғонтеп Ирismet — ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг декани, филология фанлари доктори, профессор.  
Ли Надежда Николаевна — Тошкент давлат педагогика институтини корейс тили секциясининг мудири.  
Махмудов Низомиддин — Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор.  
Мирқурбон Насрулло Мирсупатович — Халқ таълимини министрлигини республика методика марказининг директори.

Меметов Айдер — Тошкент давлат педагогика институтини кафедра мудири, умумий тилшунослик кафедрасининг доценти.  
Назаров Бахтиёр — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори.  
Орамов Меирбек — филология фанлари доктори, Тошкент давлат педагогика институтини озоқ филологияси профессор.  
Рустамов Алябек — филология фанлари доктори, республика рус тили ва адабиети педагогика институтини ректори, филология фанлари доктори, профессор.  
Шукуров Нуриддин — СамДУ ўзбек ва тожик филологияси факультетининг декани, филология фанлари доктори, профессор.  
Ўқубов Шукрулло Насруллаевич — республика рус тили ва адабиети педагогика институтини КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори.  
Якубов Лев Маневич — Тошкент давлат педагогика

институтини профессори вази-филлология бажарувчи.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНING ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ ВА МАРСОМОЛАРИНИ ТИКЛАШ МУАММОЛАРИ ЮЗАСИДАН ИШЧИ ГРУППАСИ**

Умарбеков Улмас Раҳимбекович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР маданият министри, раис.  
Абдуллаев Руслан — композитор, Ўзбекистон Композиторлар союзи правленийисининг секретари.  
Азиев Усмон — ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент бўлимининг масъул секретари.  
Алламуратов Атинбой — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Довқараев номи тарих, тил ва адабиёт тарихи амалий санъат секторининг мудири.

Орипов Абдулла — шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленийисининг секретари.  
Ғоибов Наим Евкоевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, кандидат, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг раиси.  
Жадолов Ғайрат Орипович — филология фанлари доктори, Тошкент давлат

институтини профессори вази-филлология бажарувчи.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНING ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ ВА МАРСОМОЛАРИНИ ЮЗАСИДАН ИШЧИ ГРУППАСИ**

Умарбеков Улмас Раҳимбекович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР маданият министри, раис.  
Абдуллаев Руслан — композитор, Ўзбекистон Композиторлар союзи правленийисининг секретари.  
Азиев Усмон — ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент бўлимининг масъул секретари.  
Алламуратов Атинбой — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Довқараев номи тарих, тил ва адабиёт тарихи амалий санъат секторининг мудири.

Орипов Абдулла — шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленийисининг секретари.  
Ғоибов Наим Евкоевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, кандидат, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг раиси.  
Жадолов Ғайрат Орипович — филология фанлари доктори, Тошкент давлат

## КУШХАБАР НАШРИЁТЛАР, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети республика меҳнат-кампаларининг кўплаб илтимосларини инобатта олиб, «Русча-ўзбекча» ва ўзбекча-русча сўзлашу» китобини яна нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Лугат 200 минг мусхадга чиқарилади. Ушбу комитет раиси М. А.

(ЎзТАГ).

## ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАШАМИЗ

Тилларни яхши эгаллаш учун озғани нутқини ривожлантириш зарурлиги маълум. «Меҳнат» нашриётида чикарилган «Рус тилида сўзлашамиз» китобида ўзаро мулоқотнинг турли жиҳатлари келтирилди. Китоб муаллифлари Л. Ғофурова ва С. Зинини ўзларининг бу асарларини рус ва ўзбек тилларини ўрганишни ҳоҳлаётганларга атаганлар. Улар ўз китобларини бир оила туғилмасидаги ҳикоят тарзида тўғрилади. Ота, она ва уларнинг фарзандлари Анвар билан Нодира турли мавзуларда сўзбашлашдилар. Китобда шаҳар транспор-

## ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАШАМИЗ

тида, поликлиникада, дўконда, дарс вақтида ва танлаш-фусда қандай мулоқот юритилиши ҳақида мисоллар келтирилди. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш, ношуфта қилиш, меҳмондорчиликка бориш каби ишларнинг тартиби ҳам келтирилди. Китоб табриконмаларини тўғри ёшига, об-ҳаво ҳақида гаплашганида, телевидение кўрсатувлари ёки радио эшиттиришларини муҳокама қилишга ёрдам беради. Хуллас, икки тилда сўзлашишни ўрганиш хоҳини бўлган барча кишиларга бу китоб яхши ёрдамчи бўлиб қолади.

(ЎзТАГ).

# ОВОЗ БЕРИШ ҚОИДАСИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

БУ ИЛГИ сайлов системасига киритилган ўзгаришлар муносабати билан редакцияга сайловчилардан жуда кўп хатлар келди. Хат муаллифлари СССР ҳалқ депутатлари сайловига киритилган янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар беришни илтимос қилишди. Шу муносабат билан мухбиримиз област Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири Д. Маҳмудовага учрашиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилди.

— Аввало 26 март кун сайлов участкасида амал қиладиган тартиб-қоидаларни тўғридан тўғри билан айтиш керакми?

— СССР ҳалқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бу саваб сайлов маҳаллий вақт билан аралаб соат 7 да бошланади, кеч соат 20 да якунланади. Айрим сайловчилар ишлаб чиқариш ёки бошқа сабаблар билан белгиланган вақтда овоз бериш имкониятига эга бўлганларга баъзи сайлов участкаларида округ сайлов комиссияси участка комиссиясининг таклифига биноан овоз бериш муддатини узайтириши мумкин.

Сайловчилар махсус акра-тилган бинада овоз бери-лар. Бунинг учун бинада яширин овоз беришга мў-жалланган алоҳида жиҳоз-ланган кабина ёки хона бо-лиши керак. Кабина ёки хо-налар сони шундай белги-ланши керакки, сайловчилар бир-бирларига халал берма-йдиган бўсин.

Бюллетень ташлангандан кунлар бу саваб алоҳида тартиб билан ўрнатилди, то-ки ҳар бир сайловчи қўлида-ги бюллетенни унга таш-лаш учун, албатта, яширин овоз бериш кабиначилар ёки хоналар орқали ўтсинлар. Яширин овоз кабиначилар ва хоналар яхши ёритилган бўлиши, стол-стуллар, на-лам-руқчалар қўйилган бў-лиши керак.

— Айтайлик, бирор сай-ловчи фавқулодда қоида-ларга қўйилган бўлиб қолса, у қандай йўл билан овоз беришда қатнашиши мумкин?

— Бу ҳақда Қонунда бун-

дайд дейилган: агар сайловчи 10—25 март, яъни сайлов-чиларнинг рўйхати осиб қў-йилгандан кундан то сайлов-гача бўлган оралиқ вақтда ўз турган жойини ўзгарти-раса, участка сайлов комис-сияси унинг илтимоси билан овоз бериш ҳуқуқини тўғри-даги гувоҳнома бериши керак.

— Сайловчилар ўз яқи-нлари номидан овоз бера-диларми?

— Биз ўтган сайловлар пайтида бир кишининг бутун оила аъзолари учун яқна ўзи овоз берганининг, яъни сайлов кутубига бир эмас, бир неча бюллетень ташлаганининг гувоҳи бўлганми. Сайловлар тўғри-сидаги янги Қонун бундай одатни қатъий ман этиди.

— Шифохона, санаторий ёки шу каби бошқа муасс-саларда овоз бериш қандай йўсинда уюштирилади?

— Дам олиш уйлари, са-наторий, шифохона ва бо-ша стационар доволат муас-сасаларида сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан икки кун аввал, яъни 23 мартда тайёр бўлиши керак. Ана шу муассасаларда ташкил этил-ган сайлов участкаларида рўйхат қилинган сайловчи-лардан сўнг куннинг истанган пайтида, яъни кеч соат 8 дан аввал ҳам овоз бериш тугатилган эълон қилиниши мумкин.

— Агар бюллетенда бир неча номзоднинг исми-шари-фи кўрсатилган бўлса сай-ловчи нима қилмоғи керак?

— Сайловчи ўзи қарши овоз бермоқчи бўлган ном-зодларнинг фамилияларини ўчириши керак.

— Қандайдир сабаблар билан сайловчи бюллетенни ўзи тўдирга олмасми?

— Бундай сайловчи ўзи-нинг хоҳишига қараб каби-нада овоз бериши мумкин. Сайлов комиссияси аъзолари мустаасно, албатта

— Соғлиги ё бошқа сабаб билан сайловчи овоз бериш учун сайлов участкасига кел-олмай қолган ҳам му-кинми...

— Бундай ҳолларда ўша сайловчи илтимос қилса, участка сайлов комиссияси ўз аъзоларидан бирини сай-ловчи ҳузурига юборди ва у ўша ерда овоз бериши керак.

— Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаш тартиби қандай?

— Участка сайлов комис-сияси ҳар бир сайлов округи ва ҳар қайси номзод бўйича овозларни алоҳида ҳисоб-лайди. Комиссия раиси овоз бериш тугатилганидан эълон қилгандан сўнг участка сай-лов комиссияси сайлов ку-нлигини оқиди. Дароёқ, сайлов тугатилганча, бу қу-

тилари очини ман этилади. Сайлов қўлиларини очишдан аввал ортиб қолган барча бюллетенлар ҳисоблаб чиқи-лади ва участка сайлов ко-миссияси томонидан бекор қилинади.

Овозларни ҳисоблаш нати-жалари участка сайлов ко-миссияси мажлисида кўриб чиқилади ва ҳар бир сайлов округи бўйича алоҳида тўзи-ладиган протокларга кири-тилади. Бу протоклар эса дарҳол ёки 24 соатдан ке-чиктирмай, территориал ёки миллий-территориал сайлов округларига бўйича округ сай-лов комиссияларига юбори-лади.

Шунингдек, участка сай-лов комиссиялари овоз бе-риш натижалари ҳақида ок-руг сайлов комиссиясига белгиланган схема бўйича телеграф (телефон) орқали маълумот бериши мумкин.

— Қандай ҳолларда бю-ллетен бекор қилинади?

— Белгиланган нусхага тўғри келмайдиган, бошқа округга тегишли, шунингдек овоз бериш пайтида битта-дан ортиқ номзод қолдирил-ган бюллетенлар бекор қи-линади. Агар бюллетендаги барча номзодларнинг исми-шарифлари ўчирилган бўл-са, ҳам у қонунчи ҳисобла-нади. Чунки, сайловчи барча номзодларга қарши овоз бе-рган деган хулосага келина-ди.

— Овозларни ҳисоблаш пайтида жамоатчилик вакил-лари қатнашиши мумкинми?

— Меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, сай-ловчиларнинг йиғилишлари, ишончли вакиллар, шунинг-дек, матбуот, телевидение, радио вакиллари овозларни ҳисоблаш пайтида ва комис-сиянинг мажлисида иштирок этишлари мумкин. Бундай вакилларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан ёки меҳнат коллективлари, сайловчиларнинг йиғилиш-лари, қарори билан тасдиқ-ланган бўлиши керак. Бироқ бу ҳақда сайлов комиссия-га аввалдан хабар қилиб қў-йилиши лозим. Овозларни ҳисоблаш пайтида меҳнат коллективлари, жамоат таш-килотлари, сайловчиларнинг йиғилишлари, ишончли ва-киллари, матбуот, телевиде-ние ва радио томонидан иш-тирок этган вакилларнинг рўйхатлари протоколга ило-ва қилинади.

# ТРАНСПОРТ, МИЖОЗЛАР, МУАММОЛАР

ЯНГИЙҮЛ станцияси йирим темир йўл узеллари-дан бири ҳисобланади. Ҳар кун бу станциядан ўла-лаб насажир ва юк поездлари ўтади. Станция кол-лектив шаҳар ва унинг қишлоқ ҳўжалик зонасида-ги қорхоналар, ташкилотлар, қолхоз-совхозларга хизмат кўрсатади. Бундай кўп сонли миқозлар бил-ан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган, унинг му-аммолари нимаданлиқдан бекор? Станция бошлиғи-нинг ўринбосари Маҳмуд Тулағанович КОМИЛОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Станция коллективи-нинг ўтган ҳўжалик йили ва шу йилнинг икки олдига-ги якунлари қандай бўлди?

— Маълумки, ўтган йили бутун Ўрта Осиё темир йўли ҳўжалик ҳисоби асосида иш-лади. Станцияда ҳам ҳў-жаликни юритишнинг бу усули жорий қилинди. Янги-ча ишлашга узоқ вақт хо-зирилди. Аввало бекор-руссиялик ҳамкасбларимиз-нинг бу соҳада ортирган тажрибасини ўргандик. Иш-ни шу асосда қайта ташкил эт-дик. Ортиқча бўғинлар қис-қартирилди. Айниқса, бошқа-рув аппарати ходимлари не-син камайтирилди.

Бу қолганларнинг иш-ини анча мураккаблаштирди. Нам сонли ходимлар билан эси-ни ҳаммадан ишни бақаришга тўғри келди.

Бунги ишмиз натижалари-дан ҳам билса бўлади. Мас-алан, ўтган йилни олиб қу-райлик. Энг асосий кўрсат-кичлардан бири вагонга юк ортишда сезиларли сийгиш бўлди. Унинг бақарилиши планда назарда тутилганга нисбатан 118,4 процентни ташкил этди.

Бунга аввало, ҳар бир ва-гонга ортиладиган юк вазини қўлайитириш, яъни вагон ҳўжалик оқилона фойдала-ниш ҳўжамда уларнинг юк ор-тиш-шароити пайтида турши-вақтини қисқартириш ҳис-обига эришилди. Ўтган йили ва шу йилнинг икки олдига ҳар бир вагонга ортидан ўртача юк миқдори қирқ уч тонна ва ундан ҳам ортиқроқ бўлди. Ҳар бир вагоннинг юк ортиш-тушириш вақтида турши 0,3 соат қисқарди. Ҳар ойда минглаб вагонлар шундай операцияларда бўли-ши ҳисобга олсан тежал-ган вақт катта эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Янгийўл иқтисодий по-тенциали йирим шаҳар ҳис-обланади. Унинг бағрида ўлаб саноат қорхоналари, қурилиш ташкилотлари, қол-хоз-совхозлар бор. Станция коллективи уларга хизмат қилади. Икки ўртадаги ало-қа қўлга келтириш ташкил этилганми?

— Ҳақиқатан ҳам Янгийўл шаҳар ҳўжалиги кўп тар-моқли ҳисобланади. Ўлаб саноат қорхоналарида ҳар йили юз миллион сўмлаб турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Қатор қурилиш ташкилотлари ке-нг ҳўжамда бунёдкорлик иш-ларини амалга оширади. Ан-чагина қолхоз-совхозлар бор. Уларнинг деярли ҳар бири темир йўл билан боғланган. Транспорт хизматидан фой-даланади.

Корхоналар ишлаб чиқа-риши учун зарур бўлган ма-териаллар ва хом ашёларни пулат излар орқали ташиб берамиз. Тайёр маҳсулотлар-ни вагонларга ортиб, белги-ланган манзилга қўнатамиз. Биз уларга қанча зарур ҳўжамда бўлса шунча хизмат кўрсатишга тайёригимиз. Бироқ темирйўлчилар сифатида биз ва миқоз сифатида меҳнат коллективлари ўртамиздаги ҳамкорлигини қўлга келтириш деярли бекор бўлмайди.

Қатор саноат қорхоналари-да вагонларнинг юк ортиш-тушириш вақтида бекор ту-риш қилиши қанчалик ўзинга ошиб кетмоқда. Бунга ша-ҳардаги энг йирим қорхона— ёғ-мой комбинатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бир неча бор қилинган илти-мослар, билдирилган таъна-

ларга қарамасдан комбинат раҳбарлиги бу муҳим ишга лоқайдлик билан муносабат-да бўлмоқда. Қорхонада те-мир йўл шохобчасининг тех-ник аҳолини, вагонлардан фойдаланишни яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳар йили белгиланади. Лекин уларнинг қўчилиги амалга ошмай йилдан-йилга сури-лаверади ёки умуман қорозда қолиб кетади.

Комбинатнинг вагонларга ташлаётган юк ҳўжамга то-бора ортиб бормоқда. Ҳар йили минглаб вагонлардан фойдаланади. Бироқ бирор марта ҳам улар юкдан вақт-да бўшатилмади. Бу юкмиш учун белгилангандан анча кўп вақт сарфланади. Биргина ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки ойларда уч мингдан ортиқ вагон ортиқча туриб қолди.

Бунги ишмиз натижалари-дан ҳам билса бўлади. Мас-алан, ўтган йилни олиб қу-райлик. Энг асосий кўрсат-кичлардан бири вагонга юк ортишда сезиларли сийгиш бўлди. Унинг бақарилиши планда назарда тутилганга нисбатан 118,4 процентни ташкил этди.

Белгиланган тартибга му-вофиқ ҳар бир вагон юкни бўшатиб олиш ишлари 3,1 соатда тугатилиши керак. Шу ҳақда икки томонлама шартнома бор, комбинат раҳ-барлари унга имзо чекишган. Бироқ бунга умуман амал қилинмапти. Оқибатда ҳар бир вагон юк тушириш вақ-тида ўртача 12,7 соат туриб қолмоқда.

Бундай бефарқлик аввало комбинат коллективига қим-матта тушмоқда. Анчагина миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлимоқда. Унинг ҳўжам 166 миң 610 сўмини ташкил этди. Миңг сўм эмас, ўн миңг сўм эмас деярли 167 миң сўм-а? Ахир бу пул коллектив иштирида қолса яхши бўлмасми? Уни ишлаб чиқаришни тако-миллаштириш, меҳнат шаро-итларини, ишчи-хизматчи-ларнинг социал-маданий-ма-нсий турмушини яхшилашга ёки бошқа шу каби хайрли юмушларга сарфланса ду-руст бўларди-ку. Бундай бе-фарқлик бир томондан аф-суслишни туғисини келти-риб чиқарса, иккинчи томон-дан ачинаш туғисига сабаб бўлади.

Бундай жарималар унди-ришдан эса биз манфаатдор эмасми. Унинг кераги йўқ. Чунки оқибатда биз ҳам бо-ша қараб қолмай. Уларга зарур миқдорда вагонларни вақ-тида етказиб бераолмаймиз. Бунинг учун жарима ҳам тў-лаймиз. Алиқўча, ҳўжа-али, давлатнинг меҳнат коллектив-нинг қанчалар-қанча пули бекорга совилади.

— Миқозларнинг ораси-да бошқа шундай қорхона-ташкилотлар яна борми?

— Бор бўлганда ҳам ке-рагиндан ортиқча. «Лаззат» қандолатчилик ишлаб чиқа-риш бирлашмаси ҳам бу со-ҳада ёғ-мой комбинатидан қолшимайди. Бу ерда ҳам юкларни ортиш-тушириш иш-ларида деярли ўзгариш бўл-майпти. Ҳамон вагонлар бел-гиланган вақтидан ортиқча туриб қолмоқда. Масалан, ўтган йили 1752 та вагон шундай аҳволга тушди. Улар-нинг ўртача туриб қолмиш вақти нормадагидан 5,7 ба-равар ортиқ бўлди. Айрим вагонлар ҳўжамда 84 соатча

## БИЗНИНГ СУҲБАТ

ловчи паспортини ёки сай-ловчилар рўйхати асосидаги бошқа шахсий гувоҳнома кўрсатиши керак. Бу гувоҳ-номада сайловчининг имзоси бўлиши шарт. Гувоҳнома олган сайловчи қайси жойга борган бўлса, ўша ердаги сайлов участкасида овоз бе-риш учун сайловчиларнинг қўшимча рўйхатини кирити-лади.

Овоз бериш ҳуқуқини тўғри-сидаги гувоҳнома формаси СССР ҳалқ депутатлари сай-лови бўйича Марказий сай-лов комиссияси томонидан белгиланган. Бугунги кунда барча сайлов участкалари ана шундай гувоҳномалар билан таъминланган.

— Овоз бериш пайтида сайловчилар қўлга неча ва қандай бюллетенлар бери-лади?

— Ҳар бир сайловчига иккидан бюллетен берилади. Биттаси оқ рангли бў-либ, бу территория сайлов округи бўйича, иккинчиси зағори рангда бўлиб, бу иттифоқшар республикалар миллий-территориал сайлов

Сайлов бюллетени фақат ҳар бир сайловчининг ўзига тас-диқли бўлиши шарт. Сайлов участкасида кўрсатишга қараб қилиши мумкин. Бундан сайлов комиссияси аъзолари мустаасно, албатта

— Соғлиги ё бошқа сабаб билан сайловчи овоз бериш учун сайлов участкасига кел-олмай қолган ҳам му-кинми...

— Бундай ҳолларда ўша сайловчи илтимос қилса, участка сайлов комиссияси ўз аъзоларидан бирини сай-ловчи ҳузурига юборди ва у ўша ерда овоз бериши керак.

— Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаш тартиби қандай?

— Участка сайлов комис-сияси ҳар бир сайлов округи ва ҳар қайси номзод бўйича овозларни алоҳида ҳисоб-лайди. Комиссия раиси овоз бериш тугатилганидан эълон қилгандан сўнг участка сай-лов комиссияси сайлов ку-нлигини оқиди. Дароёқ, сайлов тугатилганча, бу қу-

Рўйхатга қўшилмаган, но-тўғри ёзилган ёки рўйхат-дан чиқариб юборилган, шу-нингдек, маълумотларни но-тўғри кўрсатганлиги учун ҳар бир граждани шикоят қилиш ҳуқуқини берилади. Сай-ловчининг бу шикоятни участ-ка сайлов комиссияси томо-нидан камда икки кунлик муддат ичда кўриб чиқилади. Сайловдан бир кун аввал ёки сайлов кунини шикоят тушса, дарҳол ҳал этилиши керак. Сўнгра лозим топил-са рўйхатга ўзгариш кирити-лади ёки шикоят рад этил-ганини тўғридан қарорни ҳу-қуқини шикоятчига топиштирилади.

## Йирим камситишга қарши

Тошкентда бўлиб ўтган митинг ирқий камситишни тугатиш учун Халқаро ку-раш кунига бағишланди. Ми-тингда шаҳар жамоатчилиги-нинг вакиллари, Ўзбекистон пойтахтида ўқийётган чет эл-лик студентлар ва мутахас-сислар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар эр-кинлик ва мустакиллик ҳар бир халқнинг акраламас ҳу-қуқини эканлигини таъкидла-дилар. Совет Иттифоқи халқ-лар дўстлигини мустаҳкам-лашга, демократизмга сал-моқчи ҳисса қўлимоқда.

Митинг қатнашчилари ях-ши ниятли барча кишиларни ирқий камситишга, бир халқ-нинг иккинчи бир халқ томо-нидан эзилишига қарши фа-ъл қураш олиб боришга даъ-ват этдилар.

(ЎзТАГ).

## ЧЕВАРЛАР

● Алимқентдаги тўқма-чилик-галатерия фабрикаси-да Сония Зиева номини илгорлар қаторида тилга оладилар. Беш йилдан бери шу қорхонада ишлаётган пешқадм чевар нормани 110 процентга етказиб ба-жармоқда.

● Оққўрғон район ма-нсий хизмат комбинати қор-хоналарида аҳоли буюртма-сини тез ва сифатли бажа-риб беришга ҳаракат қилу-вчи ходимлар оз эмас. Сура-та: «Наргиз» яқна буюртма-лар устaxonаси мудараси Саҳобат Ҳусанова, тикувчи Ойсара Раҳматова ва Фору-за Матқаримовалар тайёр буюртмаларни кўздан кечир-моқдалар.

Х. Аввалов фотолари.



## Газета саҳифаларида

### ХОНАДОН БИР— МАҚСАД БИР

Чиноз районда 40 га яқин миллат ва элат фар-зандлари қўлга кўлга бериб яшамоқдалар. «Ленин байро-ғи» газетаси миллатларни муносабатларни ривожланти-риш, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бориладиган ишларни ўз саҳифаларида мунтазам ёритиб келаяпти. Янгида газетанинг «Хона-дон бир— мақсад бир» уму-мий сарлавҳа остида берил-ган махсус сони ўқувчилар қўлига бориб теғди. Унда турли миллат фарзандлари ўз мақолалари билан ишти-рок этиб, дўстлигимизни улуғловчи эпизодларни кел-тиришди.

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми бош инженери Эркин Дўстматовнинг «Оқибат» рубрикаси остида эълон қилинган мақолада Қрим, Симферополь шаҳар-ларига кўчиб кетган чиноз-лик қрим-татарларнинг шу кунги ҳаёти тасвирланган. Саҳифаларда ўзбек тили-ни ўз она тилидек билдиган «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ўқитувчиси Павел Евтеев, бинокор Анатолий Дуғай, турк Муса Сай-фуллаев ва бошқалар ҳаёти-дан берилган лавҳалар газет-хонларда қизиқини уйғотади. Газета материаллари кўп миллатли район меҳнатқаш-лари ўртасида олиб борила-ётган интернационал тарбия-ни янада яхшилашга ёрдам бериши табиий.

### ЖАМИЯТ, ТИЛ, МУНОСАБАТ

Оржоникизде район «Ком-мунизм тоғи» газетаси яқиндан бошлаб «Жамият, тил, муносабат» умуий сарлавҳаси остида саҳифа-лар эълон қила бошлади. Навбатдаги саҳифада ўз ма-қолалари билан иштирок эт-ган турли соҳа вакиллари республикамизда икки тил-лигини ривожлантиришга қаратилган бир қатор тақ-лифларни ўртага ташлаган-лар.

Республика ўқув-маши-маркази ишчиси В. Золотих ўз мақолисида ўзбек тилини ўргатишдан кўра кўп эки се-минарлар ташкил этиш зар-урлигини уқтиради. Маҳал-лий миллатга махсус бўлма-ган кишилар ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж сезишган-ларни хозирги пайтда бундай курслар жуда ҳам зарурдир.

25-ўрта мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Д. Михайлова 22 йилдан бери ишларга таълим бериб кела-пти. Саҳифада у ўзбек мак-табларида рус тилини ўқи-тиш бўйича тушланган тажри-балари билан ўртоқлашган.

Саҳифадаги бошқа мате-риалларда ҳам қизиқарли фикрлар олға сурилган.

# ХАРАЖАТ ВА ДАРОМАДИНГИЗИНИ ҲИСОБЛАЙСИЗМИ?

● Оила бюджетини

АҲОЛИ жон бошига пул даромади 1021,3 сўм. Аҳоли жон бошига пул сарфи 955,9 сўм. Ўртача ойлик иш ҳақи 174,4 сўм.

Бу рақамларнинг қарандан келиб чиқиши-ни биласизми? Уларни ким ҳисоб-китоб қи-лади? Очингани айтадими, бу саволларга қўпчилик аниқ жавоб беролмаслиги турган гап. Чунки, «даромадга яраша бурмада» иборасини юзани ишлатиб, даромад қаё-дан келади-ку, бурмад қаёққа кетади — тағна етмиша эринамиз. Бу давлат статис-тикис соҳасида ишлайдиганларнинг вази-фаси, деб ўйлаймиз.

Йўқ, аслида бундай эмас экан. Обла-стининг ҳар бир шаҳар ва районда аҳоли-нинг турли социал табақасига махсус ол-дирилган узоқ йиллар давомида оила бю-джетини ўрганиб борилади экан. Ҳисоб-китоб-чи оилаларнинг бошлиқларини олиб бори-лади. Маълум бўлишча, оилаларда тўпалаётган материаллар аҳолининг у йили шикоят қилиб хизмат қилади. Бу оилалардан бир жиҳатдан аҳоли фаро-водчилигини оширишга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оши-риш учун давлат томонидан фойдаланилса, иккинчи жиҳатдан партия, совет ва план органлари учун халқ ҳўжалигини планла-штириш ва бошқаришда қўп келади.

Ҳозир ўз бюджетини ҳисоб-китоб қилиб

борадиган оилалар областда 400 тага ет-ди. Бу оилаларда келаятган даромадининг ҳам, кетаятган сарф-харажатларининг ҳам бир тийиниқча ёзиб борилади. Ҳар бир шаҳар ва районда белгилаб қўйилган иқти-содчилар бу оилаларга вақти-вақтида кир-иб суҳбатлашадилар, сўраб-суриштир-ган янги маълумотлар асосида махсус қороз-ларини тўлдирадилар. Кейинчалик бу ма-ълумотлар қайта кўрилиб, умумлаштирилади.

СССРда оила бюджетини кузатиб бориш-га 1918 йили Лениннинг кўрсатмаси билан киришилган бўлса, бизнинг областимизда 1939 йилдан бошланган. Бундай кузатувдан мақсад аҳолининг турмуш шароитини, ашаш даражасини ўрганишдир. Шу йўл билан аниқланган юқоридagi рақамлардан кўри-ни турбидики, оилаларнинг пул дарома-ди лари сарф-харажатларидан бир муңча кўп-роқдир. Демак, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа барча хизмат соҳалари аҳолининг харид қила олиши имкониятидан ортда қолаётди. Яъни мағазиналарда озиқ-овқат, гўшт-сут маҳсу-лотлари етимишайди, саноат молларининг халқ ёқтириб харид қиладиган сифатли турлари жуда кам.

Оила бюджетини ҳисоб-китоб қилиб бо-рувчи оилалар вакилларининг яқинда об-ласт Совети ижроия комитетида бўлиб

ўтган йилги ишларда илгор тажрибалар ўр-тоқлашди, қимматли тақлиф ва мулоҳа-залар баён этилди. Жулядан, Пискенда-ги 22-мактаб ўқитувчиси Нарзиқул Эгемов оила бошлиқларини ҳисоб-китобни ҳалол-лик билан аниқ олиб боришга даъват эт-ди.

— Тўғри, қўнғили равнашда зимманимизга олган вазиғамиз энгил эмас. — деди у.— Бир кўти гугурт сотиб олсан ҳам эримай ёзиб қўйишимиз керак. Аммо, бу ишмиз-нинг хайрли томонини ҳам унутмайлик. Чунки биз берган маълумотлар кўп соҳа-ларни планлаштиришда асос бўлиши му-кин.

Н. Эгемовнинг фикри жуда тўғри. Ма-салан, област Совети ижроия комитети оила бюджет кўзатувлари асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, пулли хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш чо-раларини кўради. Айтайлик, Тошкент қи-шлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводи иш-лаб чиқарадиган битта пахта териш аппа-рат 12 миң сўм туради. Халқ истеъмол молли ҳисобланувчи даямол ёки электр чойнак эса 5—9 сўм атрофида бўлади. Ҳўш, завод учун қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш фойдалли? Албатта машина ишлаб чиқаргани маъқул. Биринчидан, уни кон-вейер тайёрлашди, ортиқча ташвиш йўқ, даромад нақд. Иккинчидан, даямол ёки

Йилгишда шундай мисол келтирилди. Қолхозчи оилалар даромадларининг 40 про-центини тўй—ҳажамга сарфлар эканлар. Бу ноўриндир. Базми бир текни даромад топадиган оилаларга ҳавасланиб, дамил-лама тўйлар қилишга уриниш ярамайди. Маънақатли меҳнат билан топланган даро-мад бир кунлик тўйларда беҳуда совирил-май, оила бюджетини мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак.

Йилгишда бюджетини ҳисоб-китоб қи-либ бораётган оилаларни рағбатлантириш мақсадига уларни бирорте мағазинга би-риндириб қўйиш керак, деган тақлиф қў-йил-либ бўлмайди. Чунки мағазинга бирикти-рилган оила гўшт, қолбаса каби тансиқ ма-ҳсулотларни давлат нарҳида оладиган бў-либ қолади. Бошқа оилалар эса бундай имкониятдан маҳрум. Демак, ҳисоб-китоб олиб бораётган саноқли оиланинг сарф-харажатини асосий оилалариникидан фарқ қилиб қолади ва умумий аҳвол бўзилади. Ҳисоб-китоб ниҳоят даражада ҳаллоллик билан тўғри олиб борилиши керак. Ҳар бир нарсга қарандан, қандай нарҳда оли-нган, албатта, ёзиб қўйишимиз лозим. Шу жумладан чойқовчи ва олибсортлардан ол-инган нарсалар ҳам. Ана шунча аҳоли даромадининг қанча қисми қановчи ва олибсортлар қўлига ўтаётганини ва бун-дай иллат областда қай даражада авк ол-ганлиги ҳам ойдинлашди. Демак, оила бюджетини кузатиб боришимиз энг муҳим шарти ҳаллоллик ва тўғриликдир.

А. ЯҲЛДОШЕВ.



ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ АЙЁМИ

УЛУСНИНГ УЛУҒ КУНИ

ҲАЛҚИМИЗ наврўзи минг йиллар давомида эски йилни яқунлаб, янгисини бошлаб берадиган аънаванй шодиёна сифатида тантана қилиб келади.

Наврўзининг пайдо бўлиши ва нишонланиши билан боғлиқ ажойиб аънава ва удувлар, фусункор куй ва қўшқилар, афсона ва ривоятлар яратилган.

Биродарларим! Мен дунёга келиб фарзанд кўрмадим. Энди бу ёруғ дунёда беному нишон ўтиб кетмай.

Бундай афсоналарнинг яратилиши наврўзи олам ҳалқимиз томонидан узоқ вақтлардан бери байрам қилиниб келинаётганлигини далолат беради.

Наврўзи олам ҳалқимиз томонидан узоқ вақтлардан бери байрам қилиниб келинаётганлигини далолат беради. Тарихий манбаларнинг гувоҳлиқи беришчики, бу кунни нишонлаш аҳимийликлар даврида пайдо бўлган.

Наврўзи олам ҳалқимиз томонидан узоқ вақтлардан бери байрам қилиниб келинаётганлигини далолат беради. Тарихий манбаларнинг гувоҳлиқи беришчики, бу кунни нишонлаш аҳимийликлар даврида пайдо бўлган.

умид боғлаган ҳалқимиз «қозон тўлди» аънаساسини яратган бўлса, ажаб эмас.

Қоракўлликларнинг яна бир удумига кўра, наврўз кунлари боғ сайрига чиққан хотин-қизлар эргимчоқ ўчишади.

Урта Осиёда яшовчи туркий халқлар ҳам наврўзининг пайдо бўлиши ҳақида хилма-хил афсоналар тўққанлар.

Минг йиллар давомида табиатдаги турли белгиларга — баҳорнинг бошланиши, қушларнинг учиб келиши, илк кўкмак гилчаларининг униб чиқишига қараб, Наврўз келганини аниқлаб келган болболаримиз янги кун ва йилбоши билан боғлиқ қизиқарли афсоналарни яратганлар.

Утмишда бобоқалонларимиз деҳқончилик ишларини юритиш, чорва молларини боқиш ва кўпайтириш учун зарур бўлган кўп эриш халқ тажрибаларига суянган ҳолда ўзига хос йилнома яратганлар.

Утмишда бобоқалонларимиз деҳқончилик ишларини юритиш, чорва молларини боқиш ва кўпайтириш учун зарур бўлган кўп эриш халқ тажрибаларига суянган ҳолда ўзига хос йилнома яратганлар.

Наврўзи ўлкамизга баҳор фаслини бошлаб келди, қалбимиз нурга, даладиларимиз гўлга тўлмоқда.

М. ЖУРАЕВ, филология фанлари кандидат.



НАВРЎЗ кунларида сумалак ва ҳалим пишириб, бу таниқ таомларни кишиларга улашиш, болалар иштирокида турли завқли ўйинлар ташкил қилиш халқимизнинг азалий удуми ҳисобланади.

НАВРЎЗ кунларида сумалак ва ҳалим пишириб, бу таниқ таомларни кишиларга улашиш, болалар иштирокида турли завқли ўйинлар ташкил қилиш халқимизнинг азалий удуми ҳисобланади.



ТАШРИФИДАН ГУЛЛАР УНАДИ

Чилонзор районидagi 138-мактаб зали чиройли қилиб безатилган. Столларга оқиб дастурхонлар, гулдонларга эса турфа муэттар гуллар солинган.

Шундан сўнг ҳамма байрам дастурхонига таклиф этилди. Уларга атлас қўйлак кийиб, сочларига гуллар тақиб олган қизлар — баҳор чекалари чой қўйиб узатдилар.

Шодиёна сўнгида «Балли, қизлар» конкурси ўтказилди. Бунда иштирок этган қизлар дастурхон безаш, турли пиширик ва таомлар тайёрлаш, чеварлик ҳамда уй-рўзгор юмушлари бўйича беллашдилар.

Ф. УСМОНОВА.

СПОРТ

САМБО Чекбоксари шаҳрида ўтказилган самбо бўйича ўсимлар ўртасидаги мамлакат биринчилигида 265 спортчи иштирок этди.

«Уташллато» соврини учун Будапешт шаҳрида ўтказилган халқаро турнир совет дэю-дочлари қўш қалбаси билан яқунланди.

Олий лига командаларидан сўнг иккинчи лига командалари ҳам футбол бўйича мамлакат чемпионати ўйинларини бошлаб юборишди.

Пойтахтимизда Европа чемпионати, тошкентлик мерган Евгений Кондратьев хотирасига бағишланган мусобақалар бўлиб ўтди.

Халқаро шашка бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида 14 турга яқун ясалди.

Аён епископ АНГЛИКАН черков тарихида биринчи марта 58 ёшли америкалик Барбара Харрис аёл-епископ бўлди.

Уй бекаларининг саломатлиги ҳақида «УЙ БЕКАЛАРИ учун нохуш хабарлар», — ана шундай сарлавҳа остида Лондондаги «Дейли мейл» газетаси Буюк Британия аёллар медицинаси федерацияси ўтказган тадқиқот натижаларини эълон қилди.

Чернигов район Левковичи қишлоғида дафн этилган. 10. Жунатаев Сенд, 1900 йилда туғилган. Урта Чирчиқ районидан фронтга кетган.

11. Исмаилов ёки Эрматов Шермат, 1917 йилда туғилган. Оржоникиде районидан фронтга кетган. 1943 йил 10 октябрда ҳалок бўлган.

3. ЭШМИРЗАЕВА, клуб раҳбари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК!


БУВИЖОНЛАРИМИЗ МЕРОСИДАН Нон қадрини яхши билган нуруний онахонларимиз ҳеч қачон суви қочган нонни ташлаб қўрмаганлар.

ЖАВДАРИ НОНДАН ТАЙЕРЛАНГАН ГРЕНКАЛАР Нонни юққа бўлақларга кесилади, ўсимлик мойида қовуриб, устига туз билан ишқаланган чеснок сепилади.

ДЕҲҚОНЧА НОН ШЎРВА Қотган ноннинг чеккаси бўлақларга бўлиниб, майда чопилган петрушка ва бош пиёз билан сариеғда қовуриб олинади.


НОН КВАСИ Жавдари нон сухариларини настрюлга солиб, устидан қайноқ сув қуясиз ва 3—4 соат тиндирасиз.

10—12 шиша квас учун — 1 кг. жавдари нон, 25 г хамиртуруш, 200 г шакар, 50 г майиз керак бўлади.



ШАРБАТЛАР-ЙИЛ БЎЙИ

Ҳали бог-роғлар қиш уйқусидан кўз очиб улгурмаган эрта баҳор фаслида инсон саломатлиги учун зарур барча витаминларга бўлган ўткир эҳтиёжни олма, помидор, узум шарбатлари ҳисобига қондириш мумкин.



УЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

«ПРОМЕТЕЙ» КЛУБИ

Узбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамаияти остида кенгайтирилган «Прометей» қидирув клуби Улуг Батан уруши йилларида Ватанимиз озодлиги учун жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган юрдошларимиз номларини эълон қилишни давом эттиради.

1. Эргашев Вилод, кичик лейтенант, III-гвардиячи-ўқчи полки 40-гвардиячи-дивизия, 1922 йилда туғилган. 1943 йил 18 июлда ҳалок бўлган.

БИРИНЧИ ҚАВАТИ КАСАЛХОНАГА Бўстонлик район Чорвоқ посёлкасидаги турар-жойлардан фойдаланиш бошқармаси биносининг биринчи қавати райондаги 1-касалхонанинг стоматология бўлимига бўшатиб берилди.

«ПРОМЕТЕЙ» КЛУБИ

шаҳри учун 1943 йил июль-сентябр ойларида бўлиб ўтган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юрдошларимиз номлари:

1. Абдулқадир Мусурмунов, 1904 йилда туғилган. Урта Чирчиқ район ҳарбий комиссариатидан фронтга кетган. 1943 йил 22 сентябрда ҳалок бўлган.

ИЗЛАЙДИ

Чернигов район Полуботки қишлоғида дафн этилган. 5. Бозорбоев Бекназар, 1908 йилда туғилган. Оҳангарон районидан фронтга кетган. 1943 йил 22 сентябрда ҳалок бўлган.

6. Байжон Салим, 1924 йилда туғилган. Тошкент районидан ёки Калинин ва Оржоникиде районларидан фронтга кетган. 1943 йил 13 декабрда ҳалок бўлган.

ИШЧИЛАРГА ЁТОҚХОНА Социал соҳани ривожлантириш Ангренидаги энг ёш корхона — картон фабрикасини кадрлар билан мустақамлашга қўмаклашмоқда.

ИЗЛАЙДИ

Чернигов район Левковичи қишлоғида дафн этилган. 10. Жунатаев Сенд, 1900 йилда туғилган. Урта Чирчиқ районидан фронтга кетган.

11. Исмаилов ёки Эрматов Шермат, 1917 йилда туғилган. Оржоникиде районидан фронтга кетган. 1943 йил 10 октябрда ҳалок бўлган.

3. ЭШМИРЗАЕВА, клуб раҳбари.